

Навоий ш.

2021 йил "16" 07

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навоий вилояти худудий филиали томонидан низом асосида раҳбар А.Н.Бўриев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган "TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ номидан Низом асосида дирекори М.Рахимов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича “Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 97в-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш” объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг (2021 йил “14” 07 даги 2789-сон баённома) карори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 198 684 160 (бир юз туксон саккиз миллион олти юз саксон турт минг бир юз олтмиш) сўмни ташкил этади.

3. Курилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 55 кунда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида

- 3 иш куни мобайнида хабардор қилиш;

- ёрдамчи пудратчи билан тузилган шартномалар киймати ўзгармасдан тузилиши белгилаб кўйилсин.

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартиба расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини, объект қурилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартиба бекор қилиш ҳуқукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

V. Тўловлар ва хисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **59 605 248** (эллик туккиз миллион олти юз беш минг икки юз кирк саккиз) сўмни ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бирок молия йили тугамасдан амалга оширилади.

VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга

оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан түсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича чоралар кўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишида хабардор киласди.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда

қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлади.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ худудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб колишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VII. Ишларини кўриклаш

34. Пудратчи обьектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

35. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равища узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда қўп вақтда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласди.

38. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

39. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу

хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. Кафолатлар

43. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига давлат стандартларида ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларида мувофиқлигини кафолатлайди.

44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидан бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Навоий вилоят иқтисодий судида кўриб чиқилади.

XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

49. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирумаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилоят иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжинииринг компанияси ДУК Навоий вилояти худудий филиали

Манзил: Навоий шаҳри,

А. Темур кучаси 4 уй

СТИР: 307910413

л/с: 400121860124017069902110001

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Фазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1910


Тошкент ш. МБББ ҲХҚМ

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рахбар:

А. Бўриев

Х.Буронов



“ПУДРАТЧИ”

“TEMURBEK CAPITAL SERVIS” МЧЖ

Манзил: Қизилтепа тум.

тел 91-339-02-20 СТИР: 301 431 364

Банк :АТБ Микро Кредит банк

МФО: 00198

х/р: 2020 8000 8048 2093 3001

ОКЭД _____

Рахбар: _____ М. Рахимов



Объектда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари

ЖАДВАЛИ

1-илюва

Ишлар түри ва номи	Ишлар ҳажми	Қиймати	2021 йил учун қурилиш қиймати												Ишлар түри кийматининг жами
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак			
январ	февраль	март	апрель	май	июн	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь				
Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 97в- йуни инжинерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирилаш		198 684 160										59 605 248	139 078 912		198 684 160

Ишларнинг номи ва түри ҳар бир аниқ ҳолда иншоотнинг хусусиятларига қараб аниқлаشتитилиди.

- Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси ҳисобланади ва унинг ажralmas қисми деб қаралади.
- Келгуси мумкин болса ишларни ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

БҮЮРТМАЧИ:

Рахбар

М.У.



“Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 97в-йуни инжинерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирилаш” (босқичларга бўлган ҳолда) бўнак ва жорий молиялаштириши ҳисобга олган ҳолдаги молиялаштириш жадвали

Молиялаштириш шарти	2021 йил учун қурилиш қиймати ойлар												
	январ	февраль	март	апрель	май	июн	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
30 % бўнак(аванс) тўлови										59 605 248			
65 % бажарилган ишлар далолатномаларига асосан										129 144 704,00			
5 % тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг										9 934 208			

Изоғи молиялаштириш шартномада ишларнинг қурилиш-монтаж қиймати ва ойлорига ўзр VM 23-сон корорига асосан НКМК га буюрганемча томонидан тұлғора тақдим этилген ижис жетекшілердадан асосан ишларнинг таъмирилаш-монтаж қисбатига келиб тушган маблағлар миқдорига мувоффик ўзгариши мумкин.

БҮЮРТМАЧИ:

Рахбар

М.У.



"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Уй-жой коммуналхизмат кўрсатиши

вазириминг йўнбосари

Н.Назиров

2021 й.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилоят хокими

К.Б.Турсунов

2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 14 январдаги "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг соҳага онд бўлмаган, ишга таъсислаш жараёнларига жалб этилмаган активларидан самарали фойдаланишини ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 23-сонли қарорнинг 8-бандига асосан НКМК ДК тасаруфида бўлган кўп қаватли уй-жойларда амалга ошириладиган таъмирилаш ишлар юзасидан 2021 йил учун

МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

№	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошлангич ва фондланишга топнишган ишлар	Фасад икимини, инженерлик коммуникация тармоқларини мукаммал таъмирилаш ишлари	2021 йил жами капитал юйлаблар	Курилиш монтаж ишларининг умумий киймати	шу жумладан			Тошириши муддати	Ажратилган маблабни улутоски рагами на санаси	Экспертиза тулосаси рагами на санаси	Тендер (тавлов)лар натижасига бўйича байноми рагами на санаси	(милл. сўмда)	
						Жами буюргаччининг хариджатлари	Лойиҳа-сметга ва эмспециялни хариджатлари	Буюргаччининг саёлчи заражати						
						3	4	5						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
1	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 10-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	211 021 538	211 021 538	199 415 353	11 606 185	4 220 431	7 385 754	50	211 021 538	№67351 27.04.2021 йил	№ 2702 13.07.2021 й.	"INDUSTRY FINANCE TRADE" МЧК
2	Навоий шаҳар И Каримов кўчаси 102-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	303 625 060	303 625 060	286 925 682	16 699 378	6 072 501	10 626 877	45	303 625 060	№67351 27.04.2021 йил	№62759 26.07.2021 й.	"ZARAFSHON BEST BUILD" МЧК
3	Навоий шаҳар И Каримов кўчаси 104-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	301 646 904	301 646 904	285 056 324	16 590 580	6 032 938	10 537 642	55	301 646 904	№67351 27.04.2021 йил	№ 2760 2021-07-20	"TEMURBEK QURILISH SERVIS" МЧЖ
4	Навоий шаҳар И Каримов кўчаси 106-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	121 422 137	121 422 137	114 743 919	6 678 218	2 428 443	4 249 775	55	121 422 137	№67351 27.04.2021 йил	№ 2761 14.07.2021 й.	"NAVOIY ELEKRON" МЧЖ
5	Навоий шаҳар И Каримов кўчаси 110-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	300 176 630	300 176 630	283 666 916	16 509 715	6 003 533	10 506 182	55	300 176 630	№67351 27.04.2021 йил	№ 2765 15.07.2021 й.	"SHAVKATBEK NAVO" МЧК
6	Навоий шаҳар Галаба шоҳ кўчаси 153-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	361 573 636	361 573 636	341 687 086	19 886 550	7 231 473	12 655 077	50	361 573 636	№67351 27.04.2021 йил	№ 2768 14.07.2021 й.	"FAZILAT AVTO SERVIS" МЧЖ
7	Навоий шаҳар Нижомий кўчаси 14-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	308 988 631	308 988 631	291 994 256	16 994 375	6 179 773	10 814 602	45	308 988 631	№67351 27.04.2021 йил	№ 2770 14.07.2021 й.	"HAZORA NON SAVDO" ХК
8	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 12-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	211 488 374	211 488 374	199 856 513	11 631 861	4 229 767	7 402 093	40	211 488 374	№67351 27.04.2021 йил	№ 2778 23.07.2021 й.	"TAMIRLASH TIKLASH XIZMATI" ДУК
9	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 12a-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	211 508 368	211 508 368	199 875 408	11 632 960	4 230 167	7 402 793	50	211 508 368	№67351 27.04.2021 йил	№ 2779 13.07.2021 й.	KUSARAVON MOXIR TAMIR XK
10	Навоий шаҳар М. Улугбек кўчаси 2-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	177 029 592	177 029 592	167 292 964	9 736 628	3 540 592	6 196 036	55	177 029 592	№67351 27.04.2021 йил	№ 2780 14.07.2021 й.	"NAVOIY ELEKRON" МЧЖ
11	Навоий шаҳар Галаба шоҳ кўчаси 109-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	210 269 846	210 269 846	198 705 004	11 564 842	4 205 397	7 359 445	55	210 269 846	№67351 27.04.2021 йил	№ 2781 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
12	Навоий шаҳар Галаба шоҳ кўчаси 111-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	205 730 617	205 730 617	194 415 433	11 315 184	4 114 612	7 200 572	55	205 730 617	№67351 27.04.2021 йил	№ 2783 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
13	Навоий шаҳар И Каримов кўчаси 97a-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	216 599 046	216 599 046	204 686 098	11 912 948	4 331 981	7 580 967	40	216 599 046	№67351 27.04.2021 йил	№ 2787 14.07.2021 й.	"BIRLASHGAN ENERGIYA XIZMATI" МЧЖ
14	Навоий шаҳар И Каримов кўчаси 97b-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	210 281 130	210 281 130	198 715 668	11 565 462	4 205 623	7 359 840	40	210 281 130	№67351 27.04.2021 йил	№ 2788 23.07.2021 й.	"TAMIRLASH TIKLASH XIZMATI" ДУК
15	Навоий шаҳар И Каримов кўчаси 97b-йўни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад икимини мукаммал таъмирилаш	2021-2021 йил	1	210 247 788	210 247 788	198 684 160	11 563 628	4 204 956	7 358 673	55	210 247 788	№67351 27.04.2021 йил	№ 2789 14.07.2021 й.	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ

